Scientific Bulletin of Namangan State University

Volume 1 | Issue 11 Article 43

11-11-2019

# STUDENTS FOR IMPROVEMENT OF CREATIVE ACTIVITIES OF STUDENTS

Qudratilla Bekboyevich Umarov
*Namangan Engineering and Construction Institute*

Nargiza Qudiratullayevna Usmanova
*Namangan State Universit*

Follow this and additional works at: https://uzjournals.edu.uz/namdu

Part of the Education Commons

## Recommended Citation

Umarov, Qudratilla Bekboyevich and Usmanova, Nargiza Qudiratullayevna (2019) "STUDENTS FOR IMPROVEMENT OF CREATIVE ACTIVITIES OF STUDENTS," *Scientific Bulletin of Namangan State University*: Vol. 1 : Iss. 11 , Article 43.
Available at: https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss11/43

This Article is brought to you for free and open access by 2030 Uzbekistan Research Online. It has been accepted for inclusion in Scientific Bulletin of Namangan State University by an authorized editor of 2030 Uzbekistan Research Online. For more information, please contact sh.erkinov@edu.uz.

# STUDENTS FOR IMPROVEMENT OF CREATIVE ACTIVITIES OF STUDENTS

## Cover Page Footnote

???????

## Erratum

???????

This article is available in Scientific Bulletin of Namangan State University: https://uzjournals.edu.uz/namdu/vol1/iss11/43

ISSN:2181-0427

ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ

# НАМАНГАН ДАВЛАТ УНИВЕРСИТЕТИ ИЛМИЙ АХБОРОТНОМАСИ

# НАУЧНЫЙ ВЕСТНИК НАМАНГАНСКОГО ГОСУДАРСТВЕННОГО УНИВЕРСИТЕТА

2019 йил 11 сон

# ТАЛАБАЛАРНИНГ ИЖОДИЙ ФАОЛИЯТЛАРИНИ ШАКЛЛАНТИРИШ ОМИЛЛАРИ

[1] Умаров Қудратилла Бекбоевич,
[2] Усманова Наргиза Қудиратуллаевна
[1] Наманган муҳандислик-қурилиш институти,
[2] Наманган давлат университети

***Аннотация:*** *олий таълим муассасалари олдида таълим сифатини оширишда хорижий тажрибалардан фойдаланиш, таълим жараёнига инновацион технологияларни жалб этиш, профессор-ўқитувчиларнинг таълим бериш услубини ва талабаларнинг таълимга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш вазифалари турибди. Бунинг учун ҳар бир педагогнинг асосий вазифаси таълим сифатини ошириш, фанни ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларининг самарадор усулларидан фойдаланиш, талабаларнинг фанга бўлган қизиқишларини ортириш ва уларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришда замонавий педагогик усул ва услублардан фойдаланиш бўлмоғи керак.*

# СТУДЕНТЫ ДЛЯ СОВЕРШЕНСТВОВАНИЯ ТВОРЧЕСКОЙ ДЕЯТЕЛЬНОСТИ СТУДЕНТОВ

[1] Умаров Кудратилла Бекбоевич,
[2] Усманова Наргиза Кудиратуллаевна
[1]Наманганский инженерно-строительный институт,
[2]Наманганский государственный университет

***Аннотация:*** *Высшие учебные заведения сталкиваются с проблемой использования международного опыта в области повышения качества образования, использования инновационных технологий в учебном процессе, а также радикального изменения методов обучения и отношения студентов к образованию. Для этого основной задачей каждого учителя должно быть повышение качества образования, использование современных педагогических и информационно-коммуникационных технологий при преподавании предмета, использование современных педагогических методов и приемов в развитии творческой активности учащихся.*

# STUDENTS FOR IMPROVEMENT OF CREATIVE ACTIVITIES OF STUDENTS

[1] Umarov Qudratilla Bekboyevich,
[2] Usmanova Nargiza Qudiratullayevna
[1]Namangan Engineering and Construction Institute,
[2]Namangan State Universit

***Abstract:*** *Higher education institutions face the challenge of using international experience in improving the quality of education, the use of innovative technologies in the learning process, and the radical change of teaching methods and the attitudes of students to education. For this purpose, the main task of each teacher should be to improve the quality of education, the use of*

*modern pedagogical and information-communication technologies in teaching the subject, the use of modern pedagogical methods and techniques in the development of creative activity of students.*

Ҳозирги кунда республикамиз олий таълим муассасалари олдида таълим сифатини оширишда хорижий тажрибалардан фойдаланиш, таълим жараёнига инновацион технологияларни жалб этиш, профессор-ўқитувчиларнинг таълим бериш услубини ва талабаларнинг таълимга бўлган муносабатларини тубдан ўзгартириш вазифалари турибди. Бунинг учун ҳар бир педагогнинг асосий вазифаси таълим сифатини ошириш, фанни ўқитишда замонавий педагогик ва ахборот коммуникация технологияларининг самарадор усулларидан фойдаланиш, талабаларнинг фанга бўлган қизиқишларини ортириш ва уларнинг ижодий фаолиятини ривожлантиришда замонавий педагогик усул ва услублардан фойдаланиш бўлмоғи керак.

Адабиётларда, ижодий фаолият шахснинг оғир шароитларда ҳаёт фаолиятларини самарали тиклашига ва унга мослашиши учун кўмаклашиши келтирилган [1]. Ижодий фаолиятнинг билиш услуби сифатида ютуғи, у таълим жараёнидаги талабанинг индивидуал шахсини шакллантириш орқали ривожланиш муҳитини яратади.

Олий таълим муассасаси таълим жараёнида талаба нафақат логик-абстракт билимларни эгаллашга, балки ўзининг сезги-руҳий ҳиссиётни шахсий фаолиятида фаол фикрлаш ва фаол ҳаракат жараёнларга, яъни ўйлашга, ҳис этишга, тушунишга ва баҳолашга йўналтириши керак.

Ҳозирги кунда ижодий фаолият соҳасидаги муаммоларни 3 та йўналишга ажратилган ҳолда изланишлар олиб борилмоқда:

- шахс - интеллект сифатида қобилиятли ва фаол, аммо аниқмас ва оғир вазиятларга ҳамда муаммоларга эътиборсиз бўладиган;
- интеллектга боғлиқ бўлмаган ва махсус изланишлар талаб этадиган алоҳида фактор ҳисобланган креактивлик;
- интеллект ривожланишининг юқори даражасида ижодий фаолиятнинг даражаси юқори ёки паст бўлиши.

Текширишлар шуни кўрсатадики, шахснинг ижодий потенциалини ривожлантиришда қулай ва самарали таълим муҳити бўлиши лозим, чунки у шахс ижодий фаолиятининг ривожланиш характери ва динамикасига таъсирини кўрсатади. Ижодий фаолият жараёни услубларини адабиётларда қуйидагича ифодалаган [2]:

- фантазияни реаллик билан кесишишдаги нуқтасини излаш;
- ижодий фаолият жараёнида аралашишдан сақланиш билиш;
- лойиҳалар билан ишлашни кенгайтириш;
- топшириқлар ижроси муддатидан кеч қолишликни ҳурмат қилиш;
- аниқ қизиқишига ёрдам кўрсатиш.

Кўпгина адабиётларда “ижод” тушунчаси ўрнида “креактивлик” терминидан кенг фойдаланилмоқда. Креактивлик - объектив ва субъектив аҳамиятга эга бўлган

янги, ҳақиқий, мукаммал материал ва маънавий бойлик яратувчанликка йўналтирилган фаолият ҳисобланади.

Креативликнинг 6 та параметрлари мавжуд: муаммони қўя олиш ва аниқлаш қобилияти; кўп миқдордаги фикрларни генерациялаш қобилияти; ҳар хил фикрлардан фойдалиларини ажрата олиш қобилияти; ностандарт муаммоли масалаларни ечиш қобилияти; ноодатий ва ностандарт муаммо ечимларини таҳлил қила олиш қобилияти; объектни мукаммаллаштиришда янгилик кирита олиш қобилияти.

Ижодий жараёнлар ва креативлик элементларининг асосини фантазия, тасаввур, интеллект ва бошқалар ташкил этади. Тасаввур билиш жараёни бўлиб, у янги образларни яратишга имкон яратади. Ижодий тасаввур ҳар қандай фаолиятнинг самарадорлигини ва натижадорлигини таъминлайди.

Талабаларнинг ижодий фаолияти таълим тизимида илмий, амалий ва бадиий шаклларда амалга ошириш мумкин. Бунинг учун талабаларга кундалик ҳаётдаги, ишлаб чиқаришдаги ва бошқа соҳалардаги техник ҳамда технологик жараёнлардаги ўзини ечимини кутаётган муаммолар ва уларни ечиш йўлларини вазифа сифатида бериб бориш билан уларни мустақил ижодий ишлашга ва ижодкорликка йўналтириш мумкин.

Талабаларга мустақил ижодий иш сифатида техник қурилмаларининг тузилиш схемасини ўрганиш, улардаги жараёнларни ва қонунларни ифодалаш, уларнинг иш самарадорлигини ошириш йўлларини топиш, уларнинг мини макетларини ясаш ва ҳ.к топшириқларини бериши мумкин. Бу билан талабаларда фанга бўлган қизиқишини, билишга ва техник қурилмаларни ўрганишга бўлган ҳоҳишини уйғотади. Талабаларнинг техник қурилмаларининг тузилиш схемасини, макетини ва кўргазмали қурилмаларни тайёрлаши билан тарбиявий аҳамиятга эга бўлган вазифалар ҳам ечилади, яъни билишга бўлган қизиқиш ривожланади, янгиликка интилувчанлиги, изланувчанлиги ортади ва қийинчиликларни енгишни ўрганади ҳамда ўзига ишончлилиги ортади.

Таълим жараёнида талабанинг ижодий потенциалини ривожлантиришда қуйидаги педагогик талабларни амалга ошириш лозим:

- ўқитишда муаммоларни мустақил ечиш бўйича қизиқиши ва маълумотларни қидириш кўникмаларини шакллантириш;
- талабага маълум фаолият бўйича устунлигини сингдириш;
- ўзига-ўзи диагноз қила олиш қобилиятини баҳолаши;
- актив фикрлаш механизми орқали индивидуал қабул қилиш қобилиятини ривожлантириш;
- ички руҳий устунликка эга бўлиши.

Ўқитувчи талабаларнинг ижодкорлигини ошириш мақсадида мустақил ишларини танлашда қуйидагиларга эътиборни қаратиши лозим:

- талабанинг имкониятларига (қизиқиши, билим салоҳияти ва қобилияти);
- танланган мавзуларнинг соддалиги ва долзарблигига;

- танланган мавзулар бўйича материаллар ва манбаларнинг (адабиётлар ва интернет материаллари) мавжудлигига;
- танланган мавзулар бўйича тайёрланадиган макет ва кўргазмали зарурлигига;
- танланган мавзунинг натижадорлигига (якунланиши мумкинлиги).

Ўқитувчи талабаларнинг ижодий фаолият жараёнларни ташкил этиш учун қуйидаги босқичларни амалга ошириши лозим:

- талабалар билан якка тартибда суҳбатлар ташкил этиши;
- талабалардан тест ва анкета сўровларини ўтказиш;
- мавзулар тақсимоти ва улар устида ишлаш;
- жадвал асосида маслаҳатлар ташкил этиш;
- бажарилган ишлар бўйича гуруҳ талабалари олдида тақдимотини ташкил этиш;
- танловлар ташкил этиш.

Талабалар ижодий фаолиятини қуйидаги учта ижодий босқичда амалга ошириши мумкин: мавзу бўйича фикрни уйғотиш ва уни асослаш, масалани ечими бўйича ишлов бериш ва амалий бажариш ҳамда масалани ижодий ҳал этиш ва хулосалар чиқариш. Ҳар бир босқич натижадорликка йўналтирилган бўлиши лозим: биринчи босқичда асосланган ва қабул қилинган фикрлар бўлиши; иккинчи босқичда конструктив ва ижожий ёндашув; учинчи босқичда масала ечимини таҳлил қилиш, тўлдириш ва баҳолаш.

Талабаларнинг ижодий фаолиятини амалга ошириши билан қуйидаги натижаларга эришиши мумкин:

1) фаннинг эришган ютуқлари ва унинг тарихига бўлган ҳурмати ортиши ва ғурурланишига, замонавий технология ютуқларидан танлаган касбий фаолиятида фойдалана олишлигига, зарурий манбалардан фойдаланган ҳолда ўзи учун билимларни мустақил топа олишига ва ўзининг билиш фаолиятини бошқара олишга;

2) асосий интелектуал операцияларни бажара олишлигига, яъни объектларни ҳар томонлама ўрганишда масалани қўя олиш, гипотезани ифодалаш, таҳлил ва синтез қилиш, солиштириш, умумлаштириш, изланишга боғлиқ сабабларини кўрсата билиш ва қидириш ҳамда хулосалар чиқариш;

3) замонавий илмий соҳада фанни ўрни ва ролини тасаввур эта олишга, амалий масалаларни ечишда инсоннинг фикрлаш доирасини ўстиришда фаннинг ролини ифодалай олишга, илмий билишнинг асосий услубларини эгалашга ва келгусида эгаллайдиган касбининг мазмун ва моҳиятини тушунишга.

Талабаларнинг ижодий фаолиятини ривожлантириш билан келажакдаги фаолияти давомида техника ва технологик жараёнларда ишлатилмаган заҳираларни қидиришга ва уларни янгилашга бўлган иштиёқи ортади.

**References:**

1. YU.V.Kosyakin, Osnovi didaktiki dlya prepodovateley sistemi distanuionnogo obucheniya: monografiya.-M.:MGIU,2006.
2. V.S. Kukushina, Pedagogicheskie texnologii: ucheb. pos. – Rostov na Donu, 2002.

# МУНДАРИЖА

## 01.00.00 ФИЗИКА-МАТЕМАТИКА ФАНЛАРИ
## ФИЗИКО-МАТЕМАТИЧЕСКИЕ НАУКИ
## PHYSICAL AND MATHEMATICAL SCIENCES


1 Асимптотическая минимаксность линейно-ядерных оценок функции распределения
Абдушукуров, А. А, Муминов А.Л.…………………………………………………….... 3
2 Trajectories of quadratic operators which map $I_2$ to itself
Juraev I.T.……………………………………………………………………………….. 10
3 Maple tizimida parabolik turdagi xususiy hosilali differensial tenglama uchun aralash masalani to'r usulida yechish
G.A.Nazarova, Z.O. Arziqulov…………………………………………………….….. 19
4 Краевая задача для уравнения четвертого порядка с сингулярным коэффициентом в прямоугольнике
Уринов А.К, Азизов М.С……………………………………………………………….. 26


## 02.00.00 КИМЁ ФАНЛАРИ
## ХИМИЧЕСКИЕ НАУКИ
## CHEMICAL SCIENCES


5 Oxytropis *Rosea* o'simligining Efir Moylari Tarkibi
Sulaymonov Sh, Abdullayev Sh, Qoraboyeva B.……………………………………… 38
6 Уйғунлаштирилган ярим даврий усулда натрий карбоксиметилцеллюлоза олиш
Сайпиев Т.С,Абдуллаев А.М.………………………………………………………….. 42


## 03.00.00 БИОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
## БИОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
## BIOLOGICAL SCIENCES


7 Фарғона водийсида тарқалган дўлана (*grataegus* l.) ўсимлигининг микромицетлари ва касалликлари
Абдуразақов А.А, Юсуфжон Ғ. Ш.……………………………………………………..... 50
8 Анатомическое строение ассимилирующих органов eruca sativa mill. (сем.brassicaceae) при интродукции в Сурхандарьинской области
Муқимов Б.Б.……………………………………………………………………………... 56
9 Энергетический потенциал гумуса сероземов
Юлдашев Г, Хайдаров. М.………………………………………………………..…….... 62
10 Регуляция влияние 6''-n–кумароилпрунина на энергетической функции митохондрий с ионами кальция
Мамажанов М ........................................................................................................................ 67
11 Ғўзанинг *El-Salvador* ёввойи шаклида морфобиологик ва қимматли хўжалик белгиларини назорат қилувчи номзод генларни аниқлаш
Комилов Д.Ж., Бахрутдинова Н.З., Орипова Б.Б. , Кушанов Ф.Н.................................. 72

## 05.00.00 ТЕХNIКА ФАНЛАРИ
## ТЕХНИЧЕСКИЕ НАУКИ
## TECHNICAL SCIENCES


12 Robotni harakatini amalga oshiruvchi arduino platformasi
Abdullayeva Sh.I. ........ 79
13 Ахборот хавфсизлигига бўладиган таҳдидлар ва уларнинг тахлили
Ғаниева Ш.Н, Азимжонов У.А., И.А. Қосимов........ 84


## 07.00.00 ТАРИХ ФАНЛАРИ
## ИСТОРИЧЕСКИЕ НАУКИ
## HISTORICAL SCIENCES


14 Давлат–тарихий-маданий анъаналар ташувчиси сифатида
Жўраев А.Т. ........ 89


## 09.00.00 ФАЛСАФА ФАНЛАРИ
## ФИЛОСОФКИЕ НАУКИ
## PHILOSOPHICAL SCIENCES


15 Mafkurani tahlil etishning o’ziga xosligi
Mamatov O.V. ........ 95
16 Кечиримлилик: фалсафий-ирфоний таҳлил
Исақова З.Р. ........ 99
17 Инсон тақдирини англашдаги диний-фалсафий қарашлар ривожи
Мадримов Ж.Б. ........ 107
18 Сўфийлик таълимоти ривожида Азизиддин Насафий илмий меросининг ўрни
Маматов М.А. ........ 116
19 Жамиятимиз янги тараққиёт босқичитида хотин-қизларнинг инновацион (тадбиркорликка йўналтирилган) фаоллиги
Ғаниев Б.С. ........ 122
20 Huquqiy munosabatlarning ma'naviy jihatlari
Sultonov A.X ........ 129
21 Таълим-тарбия – тараққиёт пойдевори: ижтимой-фалсафий талқин
Амирхўжаев Ш.Қ. ........ 135


## 10.00.00 ФИЛОЛОГИЯ ФАНЛАРИ
## ФИЛОЛОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
## PHILOLOGICAL SCIENCES


22 Ўзбек тилида антонимо-синономик муносабатлар(“Ҳибатул ҳақойиқ” асари лексикаси мисолида)
Сайидирахимова Н.С. ........ 142
23 Matn birliklari
Omonov A ........ 147
24 Муаллиф ва таржимон ўртасидаги руҳий ўхшашликлар ва таржима сифати
Будикова М.Х. ........ 151

25 Ўзбек тилидан инглиз тилига бадиий таржиманинг лингвомаданий таҳлили (Абдулла Қаҳҳорнинг "Анор" ҳикояси таржимаси мисолида)
Досбаева Н.Т.………………………………………………………………………… 157
26 Дейктик белгили сегмент қурилмалар прагматикаси
Умурзоқова М.Э.……………………………………………………………………... 163
27 "Минг бир қиёфа" романида замонавий аёл муаммоси
Азизов Н.Н.…………………………………………………………………………... 168
28 Николас Роу ижодида "Амир Темур" тасвири
Бобаханов М.Я, Турсунов А.Х.……………………………………………………... 172
29 Ҳозирги ўзбек шеъриятида исёнкор руҳ ғоялари
Тажибаева Д ………………………………………………………………………… 177
30 Янги тушунчаларни ифодалаш усулллари
Лазиза С.Х.…………………………………………………………………………. 182
31 Туркий халқлар адабиётида навоий анъаналари
Рузибоев Т.………………………………………………………………………….. 186
32 Лисоний шахс типларини ажратиш принциплари
Ниязова Д.Х.......................................................................................................... 193
33 Источниковедческий анализ тазкире "Канз аль-куттаб" Ас-Саалиби
Сулаймонова Х.М.…………………………………………………………………. 196
34 Chet til ta`limda madaniyatlararo tafovut masalalari
Abduqodirov U.N.…………………………………………………………………. 201
35 Психо-аналитик тасвирнинг миллий колорит яратишдаги аҳамияти
Мардонова Л.У....................................................................................................... 207
36 Метонимия асосидаги иборалар
Қўчқарова О.А.……………………………………………………………………… 211
37 Национально-культурная специфика английских и русских слов
Джуманазарова З.………………………………………………………………….. 215
38 Суҳайлий шеъриятининг жанр хусиятлари
*Болтабоева О.Ю.*………………………………………………………………….. 219
39 Ижтимоий тармоқ контентни тижоратлаштириш воситаси сифатида
*Бекназаров К.Т.*.......................................................................................................... 223

## 13.00.00 ПЕДАГОГИКА ФАНЛАРИ
## ПЕДАГОГИЧЕСКИЕ НАУКИ
## PEDAGOGICAL SCIENCES

40 Boshlang'ich sinf o'quvchilarida sog'lom turmush tarzini shakillantirishda sayyohlik va turizmni ahamiyti
Boltaboyev H.H.......................................................................................................... 231
41 Jismoniy tarbiya tizimida sog'lom turmush tarzini shakllantirish usullari
Azizov N.N, Azizov M.M.………………………………………………………… 236
42 Sports lesson - time requirement
Mikheeva A.……………………………………………………………………..… 240

43 Талабаларнинг ижодий фаолиятларини шакллантириш омиллари
Умаров Қ.Б, Усманова Н.Қ…………………………………………………………… 245
44 Qizlar jamoalari bilan ishlaydigan murabbiylar faoliyatining o'ziga xos xususiyatlari
Azizova R.I……………………………………………………………………… 249
45 Метод shadowing в обучении языкам
Жалолов Ш………………………………………………………………………… 252
46 Yosh avlodni barkamol qilib tarbiyalashda harakatli o'yinlarning ahamiyati
Ismoilov T, Ismoilov G'…………………………………………………………… 257
47 How to develop listening skills for students
Nazarova Y.X……………………………………………………………………… 262
48 Мактабгача таълимда ахборот технологиясидан фойдаланишнинг назарий таҳлили
Ботирова З.А……………………………………………………………………… 266
49 Ўқув жараёнида "бумеранг" методидан фойдаланишда вужудга келадиган муаммолар ва уларни олдини олиш йўллари
Отамирзаев О.У, Зокирова Д.Н,…………………………………………………… 270
50 Формирование лексических навыков в английском языке в средних школах
Ботирова З.Х……………………………………………………………………… 274
51 Mavhum (abstrakt) san'atning miya faoliyati va tarbiya bilan o'zaro bog'liqligi
Isaqov A.A………………………………………………………………………… 279
52 Физика ўқитувчисининг таълимга Инновацион ёндашуви
Бекназарова З.Ф…………………………………………………………………… 282
53 Бўлажак ўқитувчиларнинг мустақил фикрлаш маданиятини ривожлантириш моделини такомиллаштириш
Қамбаров М.М……………………………………………………………………… 286
54 Характерида истерик белгилар бўлган болалар тоифалари ва уларни ўқитиш
Хусанов А.А……………………………………………………………………… 293
55 Boshlang'ich ta'limda innovatsiyaning ro'li
Махмудова Н.А…………………………………………………………………… 298
56 Malakali gandbolchilarning musobaqa faoliyatini o'rganish
Azizov S.V………………………………………………………………………… 302
57 Таълимда ижодий ўйинлар
Tajiboyeva G.M…………………………………………………………………… 306
58 Мактабгача таълимда ривожланиш марказларини ташкил этиш муаммоларига доир
Ўринова Ф.Ў……………………………………………………………………… 311
59 Тадбиркорлик фаолиятида умумахлоқий меъёрларнинг ўрни
Эргашева Ф.И……………………………………………………………………… 316
60 Особенности преподаваия математики гуманитариям
Устаджалилова Х, А……………………………………………………………… 321

61 Талабаларнинг ҳуқуқий компетентлигини ривожлантириш технологиялари
Тилеуов Э.М.……………………………………………………………………………….….. 326
62 O'quvchi-yoshlarni faollik asosida ijtimoiy hayotga tayyorlash masalalari
Abdullayeva N, Raxmonova З………………………………………………………..…... 332
63 Оилада болаларнинг ижтимоий- ахлоқий сифатларини шакллантириш омиллари
Ортиқова З.Н............................................................................................................. 335
64 Эффективность модели управления развитием международного сотрудничества высшего образовательного учреждения
Юнусов Ш.Т………………………………………………………………………..….. 338
65 Alternative assessment as a means to develop study skills in esp classes in higher educational settings
Kuchkarova Yana……………………………………………………………..……….. 343
66 Интеллектуальные компьютерные игры – как способ улучшения учебы детей
Нажмиддинова Х.Ё………………………………………………………………..……. 348
67 Кимё тарихи маълумотларидан фойдаланиш талабалар билим олишининг сифат ва самарадорлик омили
Нишонов М, Холмирзаева З……………………………………………………………... 351
68 Малака ошириш жараёнида информатика ўқитувчиларини ижодий тафаккурини ривожлантириш механизми
Ахмедова Ш............................................................................................................... 356
69 Кластер ёндашуви асосида минтақавий таълим тизимини бошқариш
Тоштемирова С.А...................................................................................................... 361
70 Олий таълим муассасаларида математикадан замонавий ўқув машғулотларини ташкил этиш – таълим жараёнидаги инновацион технологиялардан бири
Зулфихаров И.М., Ўринов Б.О.................................................................................. 367
71 Бўлажак тарбиячиларда ижодкорлик сифатларини ривожлантириш
Қодирова З.................................................................................................................. 371